

МАҚСУД ШАЙХЗОДА ВА БОЛАЛАР АДАБИЁТИ (1908-1967)

Зарнигор Хушназарова

Тошкент давлат транспорт университети

“Транспорт тизимлари бошқаруви” Факултети 3- боскич талабаси

zarixushnazarova@gmail.com

Аннотация

Умрим бино бўлди Озарбайжонда, Кенди болалигим у гул маконда. Низомий Ватани, Ганжа ўлкаси Упкамга тўлдирди шеър Хаваста, Кур шахрим мулойим, тинч музикаси Кунглимда уйготди куйлаш ҳавасин Лекин шоирикине позик телен Кулли Сирдарёнинг ҳавзаларида..."

Калит сўзлар

 Сўлим диёри Туғма шоир махорат таржимон жанр нажб

Бадий асарларнинг болалар қалбига, руҳига, психологиясига курсатадиган эстетик таъсирини чуқур англаб етган Мақсуд Маъсумбек ўғли Шайхзода турли йиллар мобайнида даврнинг муҳим мавзулари билан ёш авлодни мустақил таништириб борган Бунинг натижасида болалар адабиёти хазинасига муносиб хисса бўлиб қўшилган “Шуъла” (1950). “Улгай авлод” (1960). “Буюк Октябрь” (1967). “Алвидо”. “Шохан Иск дар” (1946) каби алоҳида тўпламлари майдонга келди. Шу вақтга қадар унинг болаларга атаб ёзган ва махсус тўплам ҳолида нашр этилган асарлари хусусида етарли фикр айтилмаган. Мазкур асарлар юзасидан олиб борилган текширишларда эса болалар адабиёти нуқтаи назаридан фикр билдирилган эмас. 1976 йилда “Еш гвардия” нашриёти томонидан эълон қилинган “Ўзбек болалар адабиёти” номли маколалар, адабий портретлардан иборат тўпламдан ўрин олган Худойберган Эгамовнинг “Шайхзода - болалар шоири” деб номланган иши ҳамда Салоҳиддин Мамажоновнинг “Эзгу ният йўлида” (1978) номли китобига киритилган Шайхзода ҳақидаги портрет бундан мустасно. Шайхзоданинг болалар шоири сифатида яратган асарларига Диккатни қаратган тадқиқотчилар санъаткорнинг болалар адабиётига олиб кирган мавзулари, образлари ҳақида қимматли фикрлар билдирганлар. Унинг болалар адабиёти хазинасига қўшган муносиб хиссаси ҳақида умумий маълумот берганлар. Шайхзода ижоди юзасидан яратилган тадқиқотлар



кимматини чуқур ҳис қилганимиз ва маъқуллаб ўтганимиз ҳолда, бу ишимизда шоир ижодининг камрок урганилган томонлари ҳақида фикр юритамиз.

Умрим бино бўлди Озарбайжонда, Кенди болалигим у гул маконда. Низомий Ватани, Ганжа ўлкаси Упкамга тўлдирли шеър Хавастӣ, Кур шаҳрим мулойим, тинч музикаси Кунглимда уйғотди куйлаш ҳавасин Лекин шоирикине позик телен Кулли Сирдарёнинг ҳавзаларида..."

Ҳақиқатан ҳам шеърятнинг сўлим диёри, буюк Низомий Ган- жавий, Фузулий, Мирза Фатали Охундов, Самад Вургунларнинг ватанида таваллуд топган Максуд Шайхзоданинг болалиги

ошиқ бахшиларнинг оташ нафаси билан йўғрилган Октош шаҳрида кечди. Ҳазар соҳилларида халқ донишмандлигининг бебаҳо дур- доналари билан танишиш бахтига, таҳсил кўриш шарафига муяс- сар бўлди.

Бадий ижодга бўлган ҳавас Максуд Шайхзодада жуда эрта уйғонди. “Ҳали алифбени ёд олмасдан олдин шеър яратганман деб айтсам, — деб ёзади эсдаликларидан бирида, улар (китоб- хонлар) балки, менинг бу гапимни ё ҳазил, ёхуд киноявий маънода бир муболағадир деб талқин этишлари мумкин. Аммо бу гап чин. Менинг отам раҳматлик (ўз замонасининг илгор зиёлиси - доктор) одатда болаларга шеър ўқиб берар ва айрим сўзларни айтиб бериб шу сузга мос кофия топишни бизлардан талаб килар эди. Кофия ва вазн оҳангига қулоғим ўрганиб кетиб, мен беш яшарлигимда 8-10 мисрадан иборат бир масал” тўқиганим эсимда” Кўринадик, оҳангдоши сўзларни қайтариб машқ кила бериш борасида ҳали шеърят сирларини мушоҳада ёд қилиб улгурмаган бола қалбида тугилган кечинмалар уни нимадир айтишга ундаган. Узи “масал” деб номлаган бури билан олмахон ҳақида тўқилган бу асар «муайян фикр ва сюжет- дан холи бўлса-да 3 шеърятга муҳаббат ҳаётининг илк дамлари- -даёк конига, фикрига сингиб кетганлигини шоир дадил Ҳамқалам дустлари, адабиётшунос олимлар томонидан Шайхзодага нисбатан ‘Туғма шоир’” ‘деган иборанинг қўлланиши боиси ҳам шундан. айтади.